Ушбу сонда:

2 *Шарх* ТЕРРОРИЗМ ИНСОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

3 *2001 йил – Оналар ва болалар йили* «ТУРОН»ДА ЯНГИ ОИЛАВИЙ БЎЛИМ

4 *Спорт* МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 4 декабр, сешанба №189 (1203)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МДҲ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МУҚОБИЛИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29-30 ноябр кунлари Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммитида қатнашди.

Бу саммит Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Шу боис ўтган даврда юз берган ўзгаришларни сарҳисоб қилиш, бугунги вазиятни идрок этиш ва истиқболни белгилаш масалалари музокараларнинг марказий мавзуи бўлди.

Ислом Каримов МДҲни тузишдан кўзланган мақсад бошқа бўлганию унга аъзо бўлган айрим давлатларнинг амалдаги интилишлари ўзгачароқ тус олганини кўп айтган. Бу гал ҳам Юртбошимиз саммитга жўнаш арафасида Тошкентда, кейин Москвада ана шундай фикрларини такроран баён этди ва иқтисодий алоқалар ривожлантирилмас экан, бошқа соҳалардаги ҳамкорлик оқсаб қолиши тайинлиги, зеро ҳар қандай шериклик аввало моддий манфаатдорликка асосланишини таъкидлади. Айни пайтда савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш орқали бошқа турдаги ҳамкорликни кенгайтириш мумкинлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари неча бор таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар қай йўсинда, қандай сабаблар билан қарор топганидан қатъи назар бу муносабатларнинг асосини иқтисодий омиллар ташкил этади. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бирор хатти-ҳаракат бежиз бўлмайди. Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг замирида иқтисодий манфаат ётади. Бундай истак ҳар бир мамлакатда бўлиши тайин, демак, давлатлар раҳбарларининг вазифаси - самарали музокара ўтказиб, ўзаро фойда берадиган келишувларга эришиш.

МДҲнинг ўн йиллик тарихини кўз олдидан ўтказган киши бундай фойдали ўзгаришлар кўп бўлганини, Ҳамдўстлик ўн йил аввал ҳам, ҳозир ҳам кераклигини тан олади. Собиқ иттифоқ парчалангач, мустақил давлатлар юзага келди. Лекин сиёсий эркинлик бўлгани ҳолда, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш қийин эди. Чунки ҳар бир республиканинг иқтисодиёти бошқасиниқи билан боғланган, мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдирарди. МДҲ бу ришталар СССР билан бирга парчаланишига йўл қўймади. Шу билан бирга, Ҳамдўстлик туфайли шўролар давлати урушжанжалларсиз парчаланди.

Ҳамдўстлик ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. У ён-атрофдаги воқеаларга муносабат билдиришда якдиллик кўрсатиш, хусусан, террор, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, экстремизм каби балоларга қарши туришда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жипслаштиришда муҳим.

Москва саммити қатнашчилари Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилди. Ҳужжатда аксилтеррор операцияси ижобий баҳоланиб, унинг натижасида дунёвий террорнинг инфратузилмасига қаттиқ зарба берилгани ва минтақавий ҳамда дунёвий хавфсизликни янада мустаҳкамлашга йўл очилгани қайд этилган. Шу билан бирга, толиблар ҳукмронлиги тугатилганидан кейин Афғонистон тақдирини афғон халқининг ўзи белгилаши, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ишлари БМТ раҳнамолигида амалга оширилиши қўллаб-қувватланади. Шундай қилиб, Москвадаги баёнот орқали бир неча мамлакатни бирлаштирган улкан тузилманинг якдил фикри намойиш этилди ва Ҳамдўстлик сафи мустаҳкам, аъзо давлатлар талай халқаро масалаларга муносабатларда муштарак эканлиги тасдиқланди.

Давлатлар раҳбарлари имзолаган бошқа баёнот - Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан қабул қилинган ҳужжат ҳам ғоят муҳимдир. У амалда МДҲ истиқболининг йўналишларини белгилаб берди, дейиш мумкин. Баёнотда ўн йил ичида ўйланган, режалаштирилган ҳамма тадбирлар ҳам амалга ошмагани таъкидланади ва айни пайтда Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар халқлари фаровонлигини оширишда асқотадиган салоҳиятга эга эканлиги, ундан фойдаланиш зарурати эътироф этилади.

МДҲ учун иқтисодий интеграциянинг зарурати фақат аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг бир-бирини тўлдириши билан чекланмайди. У глобализация жараёнлари жадаллашаётган шароитда дунёда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга тайёр туриш, турли инқирозларни биргаликда енгишда ҳам муҳим. Минтақавий интеграция орқали жаҳондаги умумий иқтисодий жараёнларга қўшилмоқ ҳам қулай, ҳам фойдалидир. Давлатлар раҳбарларининг баёнотида бу фикр ҳам ўз аксини топган.

МДҲнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, жуғрофий-сиёсий шароити жиҳатидан халқаро терроризм ва экстремизм ўчоқларига яқин жойлашгани боис Ҳамдўстлик аъзолари бу иллатлардан энг кўп ташвиш чекадиган мамлакатларга айланган. Бу омил, Президентимиз Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, улардан қатъий ҳамжиҳатлик ва якдилликни талаб қилади. Бинобарин, президентлар бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирди.

Шундай қилиб, 10 йиллик юбилей баҳонаси билан МДҲ раҳбарлари Ҳамдўстликнинг тараққиёт йўналишлари хусусида яна бир карра фикрлашиб олди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, эндиликда асосий урғу савдо-иқтисодий ҳамкорликка, қабул қилинган ҳужжатларни тўлалигича ҳаётга татбиқ этишга қаратилади. Ўтган ўн йиллик ичида йўл қўйилган хатолар, чалғишлар бартараф этилса, Ҳамдўстлик қай мақсадда тузилгани янада аниқроқ намоён бўлади ва барча мамлакатлар манфаати йўлида барқарор ривожланади.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири Тошкент-Москва-Тошкент.

Суратларда: саммитдан лавҳалар. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ

Пойтахтимизда «Президент асарларининг билимдони» анъанавий танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танлов шаҳар қўшимча таълим мажмуаси, Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.

Ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар онги ва қалбига давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг асарлари мазмун-моҳиятини янада чуқур сингдириш мақсадида ўтказилган мазкур танловда туман босқичида ғолиб чиққан ўн бир нафар юқори синф ўқувчиси иштирок этди. Ёшлар Юртбошимизнинг асарлари бўйича ўз билимларини намойиш этиш билан бирга «Ватан ҳар биримиз учун муқаддас», «Истиқлол менинг тасаввуримда», «Баркамол шахсни қандай тушунасиз?» каби мавзуларда иншо ҳам ёзди.

Ушбу саралаш босқичида Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фурқат Ғозиев биринчи ўринни эгаллаб, «Президент асарлари билимдони» танловининг республика кўригида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Шу сонга хабар

Республикамизнинг жанубий минтақасида жойлашган Туркманистон давлати билан чегарадош бўлган Талимаржон шаҳрининг шакллланганига 36 йилдан ошди. Шу пайтгача аҳоли табиий газ йўқлигидан қийналар эди. Вилоят раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилди.

ТАЛИМАРЖОНГА ГАЗ КЕЛДИ

2100 оила ва 10 минг нафарга яқин фуқаро яшайдиган чўл шаҳарчасида «зангори олов» машъаласи ёна бошлади. «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси буюртмасига асосан 18,7 километр магистрал газ, автоматик газ, тақсимлаш шоҳобчаси ва «Қашқадарёгазтаъминот» шўъба корхонаси буюртмасига мувофиқ эса 2 километр масофада юқори босимли газ тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Ўзбекгазқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли Баҳодир Элбоев бошлиқ 4-механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари турар-жойларни газлаштиришни давом эттирмоқдалар. Нафақахўр Жума Нормуродов, шофёр Рустам Бозоров, ишчи Марям Бобониёзоваларнинг хонадонларида «зангори олов» порлай бошлади.

— Чўлқуварларнинг қувончи чексиз, - дейди шаҳар ҳокими Абдураззоқ Худойбердиев. — Айни пайтда «Тинчлик», «Наврўз» маҳаллалари газлаштирилмоқда.

Белгиланган тадбир бўйича янги йилга қадар 1000 оила табиий газдан баҳраманд бўлади. Миллий қадриятлар байрами Наврўзгача шаҳар тўла газлаштирилади.

ЁЛҚИН.

«Аср кишиси» танловига

ЭРГАШОЙГА ЭРГАШГАНЛАР

Эргашой йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар баён этилган қоғозларни яна бир карра кўздан кечириб, ташқарига чиққанда оқшом чўккан, шаҳар осмони узра оппоқ булутлар карвони сузарди. Фаввора нурлар ёғдусида ўзгача товланаётган, ёзги ошхона, дам олиш хоналари, йўлаклар четидаги ариқлардан шарқираб оқаётган зилол сувнинг шилдираши унга завқ бағишларди. Уларнинг барпо этилишида у етакчилик қилаётган қўмита фаолларининг, қолаверса, ўзининг ҳам ҳиссаси бор. Аёл шулар ҳақида ўйлар экан, ич-ичидан қувонди. Дарвозага яқинлашганда, қоровулнинг овози эшитилди:

— Яна кеч қолибсиз-да, опа. Ўзиям комбинат учун туғилганга ўхшайсиз.

— Бўлмасам-чи? Мени Эргашой қилиб элга танитган ҳам шу корхонанинг ўзи-да!

Эргашой Рўзиева — Қорақўл фарзанди. У шу заминда туғилиб ўсди. Камолга етди. Мактабни аъло баҳоларда битиргач, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирди. У ўзига ўхшаган тиниб-тинчимас дугоналари билан ип-йигирув фабрикасига ишга келганида эндигина 17 ёшга қадам қўйган эди.

— Кечагидек ёдимда, - хотирлайди у, - бизни фабрикада самимий кутиб олишгани. Маъмурият нима ишни лозим кўрса, уни тўла-тўкис бажаришга ҳаракат қилардик. Қийинчилик ва синовларга бардош берганга бахт эшиклари ланг очилаверишини ўша ерда илк бор ҳис этганмиз.

Истиқлол юрт тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бошқа соҳаларни ривожлантириш билан бир қаторда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилди. Энди қорақўллик тадбиркорлар ўз маҳсулотларини четга чиқариш ҳақида ҳам жиддий бош қотира бошладилар. «Чевар» хусусий корхонасида тайёрланган бежирим пальтолар чегара ортида ҳам ўз харидорини топди. Ўтган йили экспорт маҳсулотларининг сони яна биттага ошди. Бу — «Қорақўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида тайёрланаётган калава иплардир.

Мазкур корхона илгариги ип-йигирув фабрикаси базасида яратилди. Маълумки, 80-йилларда иш бошлаган фабрикадаги дастгоҳ ва ускуналар умрини ўтаб бўлганди. Уларни зудлик билан қайта жиҳозлаш зарурати кун тартибида кўндаланг бўлиб қолди.

(Давоми 3-бетда).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабр куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 5 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

4 декабр куни Олий Мажлисда соат 14.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 16.30 да бўлади.

5 декабр куни Олий Мажлисда соат 14.00 да «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси ҳамда соат 15.00 да -ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари бўлади.

«Ишонч» бонг уради

ШУ ҲАМ ФЕРМЕРЛИК БЎЛДИМИ?

Кишлоқ хўжалигининг юксалишида деҳқон ва фермер хўжаликларининг аҳамияти катта. Шу кунларда республикамизда 52 минг 300 нафар фермерлар мустақил фаолият юритмоқда. Улар 1 миллион гектардан ортиқроқ майдонда деҳқончилик қилишаётир. Мамлакатимизда номи кўпчиликка танилган, юксак кўсаткичларга эришаётган юзлаб деҳқон ва фермер хўжаликлари бор.

Лекин гуруч курмаксиз бўлмагани каби, бу соҳада ҳам айрим салбий кўринишларга дуч келамиз. Чунончи, ўзини фермер деб атаган, лекин номигагина шундай бўлиб юрган шахсларни учратиш мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, ҳатто бухоролик бир «фермер» ўз ихтиёридаги экин майдонларини ғишт заводига ижарага бериб қўйишгача етиб борган.

Фермерликнинг ижобий ва салбий жиҳатларига, келинг, Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани деҳқон ва фермерлари фаолияти мисолида кўз югуртирайлик.

Туманда ер олиш иштиёқида бўлганлар кўп эди. Айни чоғда 236 киши ўз ерига эга. Туман ҳудудидаги 8661 гектар деҳқончилик учун қулай ер улар ихтиёрига топшириб қўйилган. Ишбилармонлар қарийб икки минг кишини иш билан таъминлашган. Жорий йилда фермерлар 6530 тонна пахта, 4690 тонна ғалла сотишга эришдилар. Нафсиламбирини айтганда, мулк шакли ўзгаргач, иқтисодий кўрсаткичлардаги юксалиш яққол кўзга ташланиб қолди. Оддий бир мисол. Иқтисоди ночор «Гулистон» ширкатлар уюшмасида 482 гектар майдон мулкдорлар изимда. Бу йилгидек мураккаб шароитда пахта эккан 15 фермер хўжалигининг 13 таси маҳсулот тайёрлаш режасини ошириб уддалади.

— Тадбиркорларимиз ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган меҳрибонликни яққол ҳис этишаяпти, — дейди туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Абдуқодиров. — Ўтган муддатда лизинг асосида 6 та чопиқ трактори олишга эришдик. Айни чоғда яна 49 та ана шундай техникага буюртма бердик. Бу масала ижобий ҳал этилса, фермерларимизнинг ютуғи янада кўпаяди.

Мирзаобод далалари шўрхок. Ҳудуднинг қарийб ярми кучли шўрланган. Бу эса деҳқонлардан тажриба, катта маҳорат эгаси бўлишни талаб этади. Таассуфки, мард бўлиб майдонга чиққан барча тадбиркорлар ҳам бу синовларга дош бераяпти, дейиш қийин. Умумхалқ мулки бўлган ернинг умрини зое ўтказаётганлар ҳам йўқ эмас. Деҳқонман дея кўкракка уриб, бир кетмон ер чопишнинг уддасидан чиқолмаётганлар ҳам бор. «Деҳқонобод» ширкатлар уюшмасидаги «Алижон» фермер хўжалигини шундайлар сирасига киритиш мумкин.

Хўжалик жорий йилда 14 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, бор-йўғи 300 килограмм пахта топширган. Эсиз, қанча-қанча маблағ, фурсат! Ери ерига туташ, бир ариқдан сув ичадиган 10 та фермер режани ошириб бажаргани, хўжаликдаги фермерларнинг энг паст кўрсаткичи эллик фоиздан юқори бўлган бир шароитда «Алижон»нинг бу кўрсаткичини қандай изоҳлаш мумкин?

«Оқ олтин» жамоа хўжалигидаги Қўлдош Турсунбоев раҳбарлик қилаётган «Жавоҳир» фермер хўжалиги эса 46 гектар ерга уруғ қадаган. Фермер хўжалиги катта миқдордаги маблағни ҳавога совурди. Ғалвир сувдан кўтарилиб 3200 кило пахта топширилгани маълум бўлди. Вилоят савдо ташкилотлари тасарруфидаги «Савдогар», «Матлуботчи» фермер хўжаликлари ҳам унумдор ерлардан атиги 1700-1600 килограммдан пахта топширганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бу «ишбилармонлар» кўрилган моддий зарарни бир ҳисоблаб кўришдимикан? Давлатдан олинаётган қарзлар бу аҳволда қачон қайтарилади?

«Тошкент» ширкатлар уюшмасида фаолият юритаётган «Бахтиёр» фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрлашни мўлжаллаган ишбилармон ихтиёрига 10 гектар ер ажратиб берилган. Ачинарлиси, бор-йўғи 14 бош қорамол парваришлаётган тадбиркорлар шу чоққача давлатга на сут, на гўшт сотганлар. Устига-устак 10 гектар ер ҳеч нарса экилмасдан қолиб кетди. «Мирзачўл» ширкатлар уюшмасидаги «Абдуҳолиқ ота» фермер хўжалигида 20 бош қорамол бор. Фермер 45 гектар ердан самарасиз фойдаланмоқда. Умуман тумандаги фермер хўжаликларининг 15 таси фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, мулкдор бўлишни орзу қилишнинг ўзи кифоя қилмас экан. Давр фермердан ҳар соҳадан хабардор, билимдон бўлишни, айни чоғда ишнинг кўзини билиб, астойдил ҳаракат қилишни талаб этади.

— 2001 йил бошида туманимиз фермерлари синовдан ўтказилди, — дейди «Ишонч» газетаси фермер хўжалигининг иш бошқарувчиси Ҳасан Бобомуродов. — 39 нафар тадбиркор ишончни оқлай олмаётгани аниқланди. Улар ердан фойдаланишда тажрибага эга бўлмаган тасодифий кишилар экан. Сохта фермерлар фаолияти тўхтатилгани ҳам адолатли бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Автомобилчилар ва йўл хўжалиги ходимларининг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, тармоқ ривожига йил сайин эътибор кучаймоқда. Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи муносабати билан 30 нафар автотранспортчи, 11 нафар йўл хўжалик ходими юксак унвонларга сазовор бўлганлиги ҳам шундан далолат беради.

— Тармоқда иш жойларини сақлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш, иш ҳақининг ўсиши, унинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнат шароити ва муҳофазаси учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш ҳамон бирламчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг I-ярмида иш ҳақидан қарздорлик масаласи Марказий қўмитанинг Раёсат мажлисида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. 35 та автокорхона раҳбариятига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш бўйича қўмитанинг расмий талабномаси топширилиб, шулардан 12 таси бир ой ичида ўз ечимини топди. Бироқ айрим корхоналар раҳбарлари бу муаммони ҳал этишда масъулиятсизлик қилдилар. Оқибатда қўмита талабномаси билан «Фарғонатранс» уюшмасининг 97-Учкўприк автокорхонаси раҳбари Анвар Эхсонов, «Самарқандтранс» уюшмаси 146-автобус саройи раҳбари Одил Матёқубов, 26-Зомин автокорхонаси раҳбари Эркин Сарибоевлар ўз лавозимларидан озод этилдилар.

Олиб борилаётган ишлар муайян даражада самара бераётган бўлса-да, мазкур масала тўла ечимини топди, деб бўлмайди. Масалан, Жиззах вилоятининг 36-Зомин автокорхонаси 8, 5, -Гагарин автокорхонаси 12, 112-Пахтакор автокорхонаси 7 миллион сўм иш ҳақидан қарздорлигини қандай баҳолаш мумкин?

Мана, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Оналар ва болалар йили ҳам ниҳояланиб бормоқди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган Дастурга асосан кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронларга, ёлғиз оналарга, меҳрибонлик уйларига катта миқдорда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, «Намангантранс» уюшмасининг 12-Поп автокорхонаси акциядорлик жамияти шу мақсадларда 56,915 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфлаган бўлса, Марказий қўмита томонидан Гулистон шаҳридаги меҳрибонлик уйига 108,5 минг сўмлик ўқув қуроллари ва турли хил маҳсулотлар сотиб олиб берилди. Шунингдек, «Самарқандтранс» уюшмасига қарашли 2522-автокарвон, «Қорақалпоқтранс» уюшмасига қарашли Хужайли автобус-такси саройи, «Бухоротранс» уюшмасига қарашли 2524-автожамланма, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси тассарруфидаги 2-автокомбинат, «Ўзавтойўл» концернига қарашли «Автомагистрал» махсус автойўл қурилиш бирлашмаси ва Қўйлиқ КТБЭ заводлари ҳам эътиборга молик ишларни амалга оширдилар.

Тармоқ қўмитаси корхона ва ташкилотларда миллий истиқлол ғояси: «Асосий тушунча ва тамойиллар» юзасидан тарғибот ва ташвиқот олиб бориб, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширмоқда. Кўплаб корхоналарда маънавият ва маърифат хоналари ташкил қилинган. Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда янгиликлар, дунёда содир бўлаётган воқеалар бўйича мунтазам равишда маърузалар ташкил қилинмоқда, учрашувлар ўтказилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси энг зарбдор вазифа бўлиб, шу йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар юк ва йўловчи ташиш уюшмалари бўйича 74,7 миллион, шу жумладан, жамоа шартномаси (Битим) бўйича 41,0 миллион сўм, «Ўзавтойўл» концерни 152,9 миллион, жамоа шартномаси бўйича 29,4 миллион сўм, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси 8,4 миллион, жамоа шартномаси бўйича 6,7 миллион сўм сарфлади. Шунингдек, Ўзбекистон «Йўловчи автотранспорт» суғурта компанияси ҳайдовчилар ва йўловчилар ҳаётини суғурталаш йўли билан улар жароҳатланганда ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга муайян ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Яқинда Республика автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ва вилоятлари тармоқ касаба уюшмаларининг раислари, автотранспорт ва йўл хизмати корхоналари бошланғич ташкилоти раҳбарлари қатнашди. Унда республика Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Мираҳмад Мирқосимов маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулазиз Мавлонов, Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Жўрабоев, «Ўзавтодарётранс» агентлиги бошлиғи ўринбосари Абдураҳмон Абдувалиев ва бошқалар бугунги кунда ҳал этиладиган долзарб вазифа ойлик маошлардан қарздорликни бартараф этиш, ижтимоий ҳимоя соҳасини кучайтириш, оналар ва болалар саломатлиги, меҳнат муҳофазаси каби масалаларга эътиборни қаратдилар. Мажлис якунида кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдурасул МУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сариосиё туманида анъанага айланиб бораётган Меҳнат ярмаркаси бу гал «Маданият уйи»да ўтказилди. Байрам тусини олган ярмаркада иштирок этган фуқаролардан 150 нафари ишга жойлаштирилди. Шулардан 29 нафари вояга етмаганлар бўлса, 10 нафари эса жазони ўташ жойларидан амнистия туфайли озод этилган фуқаролардир.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ:

кўзланган мақсадга эришиляптими?

Жумладан, қурилиш корхоналари 36 нафар фуқарони ўз жамоасига қабул қилиб олди. «Сариосиё» ширкат хўжалиги ҳақ тўланадиган жамоат ишига 15 нафар кишини, Шарғундаги 2-шифохона маъмурияти хотин-қизлардан 8 нафарини янги иш ўринларига жалб этди. «Боғу-Бўстон» фермер хўжалиги 5 нафар ишсизга ўз ходимлари сафидан жой берди.

— Ҳозирги вақтда бекор юрган ёшларни ишга жалб қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз, — дейди туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Эрмат Мелонов, — айниқса, ярмаркада қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари ва маҳалла оқсоқоллари бу борада жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар кўча-кўйда ишсиз юрган ёшларни назоратга олиб, ярмаркаларга бошлаб келаётганлари ўз самарасини бермоқда. Айниқса, жазони ўташ жойларидан озод этилган фуқароларни фойдали меҳнатга жалб қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Келинг, рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йилда туман Меҳнат бўлимида «Бандлик дастури» бўйича 635 нафар фуқаро ишга жойлаштирилиши режалаштирилгани ҳолда амалда 769 нафар киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Шулардан 245 нафари аёллардир. 32 нафар хотин-қиз эса тикувчилик касбига ўқитилди.

Туман Меҳнат бўлими бошлиғи Абдураҳим Ҳолиқовнинг таъкидлашича, туман Меҳнат ярмаркасининг тез-тез ўтказилиб турилиши жуда кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда. Янги иш ўринларини яратиш мақсадида, вилоят аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ташкилоти ҳисобидан ўтган 9 ойда туманга 100 миллион сўм ажратилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу имтиёзли кредитлар кичик ва ўрта бизнес субъектларида 183 та янги иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Меҳнат бўлимига мурожаат қилувчиларнинг аксарияти ёшлар эканлигини таъкидлаш жоиз. Улар эҳтиёжидан келиб чиқиб, талабгорлар турли ўқув муассасаларига юборилмоқда. Бундан ташқари, ишсизлик мақомини олган, ҳеч қандай касб ва даромад манбаига эга бўлмаганларга энг кам иш ҳақи миқдорида нафақа тайинланган. Олти ой мобайнида бундай кишилар ишга жойлаштирилади ёки ўқув масканларига йўлланма берилади?

Бўлимда 26 нафар тажрибали ходим меҳнат қилмоқда. Улар ўртасида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида мунтазам равишда ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Ходимларнинг ҳар бири ойлик ва ҳафталик иш режасига эга. Уларнинг фаолияти қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла оқсоқоллари томонидан юқори баҳоланмоқда. Хусусан, меҳнат нозирлари Нурмамат Шарипов, Абдуваҳоб Азизов, Ўткир Холиқов ва Мухтор Назаровларнинг номи жойларда хурмат билан тилга олинмоқда.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ОҚШУНГУЛ» ЯЙЛОВИДА

Қўнғирот туманидаги «Устюрт» ширкат хўжалиги чўпонлари эрта баҳорда ҳар 100 бош совлиқдан тўлиқ қўзи олиб, уларнинг 80 фоизини ўстиришга қолдирган эди. Натижада отарлар сони 8 тага кўпайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов чорвачилик бўйича мутахассислар ва тегишли идора раҳбарлари билан бирга Устюрт кенглигидаги «Оқшунгул» яйловларида бўлди. Улар чўпонларнинг турмуш тарзи, отарлар аҳволи, қишлов мавсумининг бориши, шунингдек аҳолига тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шароитлари билан танишди.

Қишловга пухта тайёргарлик кўрган ушбу ширкат хўжалиги чўпонлари қарамоғида 30 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи боқилмоқда.

Ўзбекистондаги энг йирик электростанция ҳисобланган Сирдарё ГРЭСида тендер савдоларида ғолиб чиққан «Сименс» фирмаси томонидан замонавийлаштирилган иккита энергоблокдан биттаси фойдаланишга топширилди. Бу билан ҳам жисмонан, ҳам маънавий эскирган (Ленинград металл заводида ишлаб чиқарилган) турбиналарни замонавийлаштириш ва Ғарб фирмалари томонидан кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун замин яратилди.

ЭНЕРГОБЛОК ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИЛДИ

«Сименс» фирмаси ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси ўртасида энергоблокни замонавийлаштириш бўйича шартноманинг барча шартлари бажарилди.

«Сименс» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган техникавий ишланмаларнинг амалга оширилиши энергоблок қувватини, унинг фойдали иш коэффициентини оширишга, пировард натижада ёқилғи-энергия ресурсларини тежашга йўналтирилган.

Энергоблок самарадорлигини ошириш мақсадида энергоблокни бошқаришнинг мавжуд тизими механик бошқарувдан автомашлаштирилган бошқарувга ўтказилиб, қайта таъмирланди.

Шунингдек, турбиналарни бошқариш, ҳимоя қилиш ва назорат қилиш учун замонавий рақамли бошқарув тизими ўрнатилди.

Конденсатни тозалаш ва кимёвий назорат қилиш бўйича мавжуд тизим ҳам автоматлаштирилган тезкор назорат ва бошқариш тизими билан жиҳозланган.

Айни пайтда 7-сонли энергоблокни ҳам замонавийлаштириш давом этмоқда. «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси «Сименс» фирмаси билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаб, энергетика соҳасини ривожлантиришда ҳамкорлик доирасини кенгайтириш ва бошқа салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш бўйича ишларни олиб бормоқда.

(ЎзА).

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

Пойтахтимиздаги «Юлдуз» акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури бугунга келиб ўттизтага етди.

Эркаклар, аёллар ва болалар учун мўлжалланган бежирим ва замонавий либослар харидорларга ғоят манзур бўлмоқда. Айни вақтда бу ерда турли соҳа ходимлари учун йигирма турда иш кийимлари ҳам тикиляпти.

- Жорий йилда бир миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ниятидамиз,- дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Т.Аҳмедов.- Илгари иш либосларини тикиш учун зарур мато хориждан олиб келинарди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси корхоналарида бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Маҳсулот таннархи арзонлашди, сифати яхшиланди.

(ЎзА).

Шарҳ

ТЕРРОРИЗМ ИНСОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси кун тартибида мамлакатимиз парламентининг «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаатномаси ҳам бор.

Бугун тараққиёт кушандаси ва асримиз вабоси деб таърифланаётган терроризм ҳақида гап борса, албатта Афғонистондаги воқеалар эсланади. Чунки, Афғонистон келажаги ҳақидаги ташвишлар ҳали ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган. Хусусан, муваққат ҳукумат тузиш борасидаги конференция Бонн яқинида бўлиб ўтди. Бироқ, бу анжуманга ҳукумат учун асосий даъвогарлар фақат ўз вакилларини жўнатди. Эндиликда ушбу конференциянинг асосий қисмини Қобулда давом эттириш бўйича маслаҳатлашувлар олиб бориляпти. Шимолий кучлар Афғонистонга халқаро ҳамжамиятнинг ҳарбий қисмлари, яъни тинчлик миссияси киритилишига ҳам рози эканлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, Покистонда ҳам Афғонистон инфраструктурасини қайтадан тиклаш (халқ хўжалиги, таълим, фан, бошқарув, маънавий ҳаёт ва бошқа тузилмалар) масаласига оид уч кунлик анжуман бўлиб ўтди. Унда келгусида амал қиладиган Афғонистоннинг ижтимоий ва иқтисодий қайта тикланиши мунозараларида аксилтеррор операцияларида иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари қатнашди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Афғонистонда рўй берган биродаркушлик можаролари, ҳарбий хатти-ҳаракатлар натижасида 22 йил ичида (1979 йил декабрида собиқ Иттифоқ қўшинлари афғон ерига киритилган даврдан бери) мамлакат иқтисодиётига 10 миллиард доллар миқдорида зарар етказилган. Албатта, мамлакатнинг иқтисодий таназзули бундан ҳам кўпроқ моддий зарар билан изоҳланиши мумкин. Аммо, энг катта хавф афғон замининг халқаро терроризм маконига айланиб қолганлигидир. Йиллар мобайнида диний экстремизм ва терроризмнинг тарқалиши, қурол ва наркотиклар контрабандасининг ўсиб бориши, мамлакатдаги бебошлик (анархия) саккиз миллионга яқин қочоқнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, Афғонистондаги кескинликнинг авж олиши минтақа давлатларининг миллий манфаатларига ва хавфсизлигига таҳдид солди.

Халқаро терроризмга қарши кураш умуминсоний вазифаси, биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган муаммо. Акс ҳолда бу бало она заминимиз тараққиётига, илм-фанга, маданиятга, миллатлараро биродарликка — жамики цивилизацияга жиддий путур етказиши турган гап.

Шу боис, куни кеча Москвада бўлиб ўтган МДҲ давлат раҳбарларининг анжумани якунида Афғонистондаги вазиятга доир Баёнот қабул қилинди. Унда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда халқаро терроризм, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизмини яратиш зарур эканлиги таъкидланди.

Ҳар қандай қабиҳлик каби терроризмнинг ҳам на миллати ва на дини борлиги кундек равшан. Худди шунингдек, исломни ниқоб қилиб олган биринчи рақамли халқаро террорчи Усама бин Лодин атрофига жипслашган жиноий гуруҳларни ҳам ислом ёки жафокаш афғон халқи билан уйғунлаштириш катта хато бўлур эди.

Яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратсак. Аксилтеррор амалиёти билан биргаликда Афғонистондаги халқаро террорчи гуруҳларни тугатиш муаммосининг сиёсий эволюциясида ҳам янги босқич бошланиб кетди. Воқеалар жараёнининг таҳлилидан келиб чиқиб, унинг асосий мазмун-моҳиятини бугун учта йўналиш ташкил этмоқда, дейиш мумкин.

Биринчидан, «Толибон» ҳаракатининг халқаро изоляцияси янада кучаймоқда.

Иккинчидан, энг нуфузли минтақавий ва халқаро тизимлар нафақат Афғонистондаги, балки дунёнинг барча ҳудудларидаги террорчиларга муносабатини янада ойдинлаштирмоқда. Жумладан, НАТО, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти ўзининг кейинги анжуманларида халқаро терроризм масаласини алоҳида кўриб чиқиб, уни қораловчи жиддий ҳужжат қабул қилди.

Учинчидан, энди дунё аксилтеррор амалиётидан кейинги Афғонистоннинг сиёсий келажаги ҳақида ўйламоқда. Барча давлатлар тузилажак янги ҳокимият Афғонистон аҳолисини ташкил этувчи ҳамма этник-миллий қатламларнинг манфаатларини ифода этиши тарафдори.

Бироқ, ушбу консенсусга эришиш йўллари ва миллий иттифоққа кирувчи кучларнинг талқини ва нисбатига муносабатда ихтилофлар ҳам мавжуд. Масалан, Россия янги ҳокимиятда «Толибон» ҳаракатининг вакиллари иштирокига қатъий қарши чиқаётган бўлса, АҚШ ушбу ҳаракатнинг мўътадил қаноти вакиллари бунга ҳақли эканлигига шаъма қилмоқда. Покистон эса, Шимолий иттифоқ кучларини ҳужумга ўтишдан огоҳ этиб, Қобулнинг мазмун-моҳияти мавҳум бўлган «бетараф ҳудуд» деб эълон қилинишини ёқлаб чиқмоқда.

Яна бир жиҳатга тўхталамиз. Аксилтеррор ҳарбий-амалий ҳаракатлар ҳам эртами-кечми, албатта, тугайди. Бу — вақт билан чегараланган ўткинчи ҳодисадир. Лекин ҳарбий ҳаракатларнинг тугаши, зинҳор-базинҳор ёвузликка қарши курашнинг тугашини англатмайди. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, кураш, айниқса, мафкуравий жараёнлар ҳеч қачон тўхтамайди, ўз ниҳоясига етмайди. Биз ана шу ҳақиқатни чуқур идрок этишимиз, тинч ва фаровон эртамиз, фарзандларимизнинг порлоқ келажаги айнан шу билан чамбарчас боғлиқ эканини доимо ёдда тутишимиз лозим. Содда қилиб айтганда, мафкуравий таҳдидларга қарши курашга тайёрлик-кундалик турмушимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши ҳаёт тақозосидир.

Ўз уйимизни ўзимиз асрашга барчамиз масъулмиз. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим».

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Оналар ва болалар йили муносабати билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган Дастур асосида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Биргина «Турон» сиҳатгоҳининг ўзида ётоқхона ва чўмилиш ҳавзаси ишга туширилди. Ўтган ҳафтада эса бу ерда «Она ва бола» бўлими фойдаланишга топширилди.

«ТУРОН»ДА ЯНГИ ОИЛАВИЙ БЎЛИМ

Республикамизда севимли масканлардан бири бўлган мазкур санаторий денгиз сатҳидан 360 метр баландликда жойлашган. Яшаш хоналари бир-икки кишилик бўлиб, шинам жиҳозланган. Ёз ойлари бу ерда ҳаво ҳарорати шаҳарга нисбатан 5-6 даража паст бўлади.

— Илгарилари ушбу сиҳатгоҳда фақат кардиология бўлими фаолият кўрсатарди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Толиб Собиров. — Ҳозирги кунда эса неврология, гинекология, андрология ва бошқа бўлимлар қўшилди. Натижада юрак, қон-томир, асаб, бўғин ва бошқа касалликларни малакали даволаш имкони туғилди. Реабилитация бўлимида эса инфаркт билан хасталанган беморларнинг юрак фаолиятини қайта тиклаш муолажалари ўтказилади. Шунингдек, кўз шифокорлари, стоматолог, гастроэнторолог ва бошқа тиббиёт мутахассислари беминнат хизматда.

Ташхис-даволаш бўлимининг асосини табиий омиллар ташкил этади. Жумладан, шифобахш сувлар билан ошқозон-ичак, жигар ва ўт йўллари ювилади. Бунинг учун махсус хоналарда замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Минерал сувли ҳовуз ҳам бор. Таянч-бўғин касалликларини даволаш бўйича мануал терапия, умуртқа поғонасининг бўғин, кўкрак ва бел қисмини даволайдиган мосламалар мавжуд. Шунингдек, бу ерда балчиқ-озокерит, гидроаэролинизация усули, ҳар хил шифобахш ўтлардан тайёрланган шарбатлар билан даволаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Дастурхонларга эҳтиёжга яраша парҳез таомлар тортилади.

Дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, бу ерда қишки ва ёзги клублар ишлаб турибди. Уларда мустақил дам олиш соатлари уюштирилади, кинофильмлар намойиш этилади. Биллиард, теннис, шахмат-шашка, волейбол ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш имкониятлари яратилган. Махсус автобусларда пойтахтнинг гўзал ва зиёратгоҳ жойларига, табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилади.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур сиҳатгоҳда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Курортлар бошқармаси раҳбарияти саъй-ҳаракати билан кўплаб ибратли ишлар қилинди. Ҳозирги кунда қайта таъмирланган хоналарнинг барчасида яшаш учун энг зарур шароитлар мавжуд. Ишга туширилган чўмилиш ҳавзасидаги ускуналар Германиядан келтирилган. Улар ҳавзадаги сувни ҳам тозалаб, ҳам иситиб бериши мумкин. Сауна, душ, дам олиш, массаж хоналари мижозларга беминнат хизмат кўрсатаётир.

«Она ва бола» бўлимининг очилиши эса дам олувчиларга яна бир қулайлик яратиб берди. 24 ўринга мўлжалланган бу бўлим сиҳатгоҳнинг энг сўлим ерига жойлашган. "Она ва бола"бўлимидаги ҳар бир хонада юмшоқ мебел, телевизор, радио, ҳатто магнитафон ҳам бор. Чўғдек ёниб турган гиламлар тўшалган. Биринчи қаватда беморларнинг зерикиб қолмасликлари учун биллиард ва теннис столлари ўрнатилган. Хуллас, шундай нозик дид билан безатилганки, кирган кишининг дили яйрайди.

— Мен бу ерга Андижон вилоятидан келдим, — дейди Муҳаммаджон Ҳакимов. — Ўзим тадбиркорман. Айни кунларда ванна, магнит, массаж ва бошқа физиотерапевтик муолажаларни олаяпман. Бир сўз билан айтганда саломатлигим яхши томонга ўзгараяпти. Ҳамма каби янги бинонинг очилиш маросимида қатнашдим. Унинг ички ва ташқи кўриниши мени ҳайратга солди.

— Биз Қорақалпоғистонданмиз, — дея суҳбатга қўшилди опа-сингил Зуҳра ва Клара Сиржоновалар. — Биринчидан, ҳукуматимизга раҳмат. Биз Оролбўйи аёлларига меҳрибончилик кўрсатиб, қарор чиқарди. Энди сиҳатгоҳга келсак, унинг хушманзара ҳудудда жойлашганлиги, шифокору ҳамшираларининг хушмуомалалигидан, шарт-шароитдан жуда мамнунмиз. Бугун очилган янги бўлим эса бизларни янада қувонтирди.

"Она ва бола" бўлимининг очилишида Республика Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Жаҳонгирова иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон саломатлиги йўлида қилинаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида сўзлаб, ҳукуматимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: Янги бўлимнинг умумий кўриниши ва сиҳатгоҳ фаолиятидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

КИМЛАР ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ОЛАДИ?

Саволингизга Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: 1976 йилдан бери туман шифохонасининг юқумли касалликлар бўлимида кир ювувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Туман ижтимоий таъминоти бўлимига имтиёзли пенсияга чиқиш учун мурожаат қилдим, лекин улар «буйруқ бўйича кир ювувчи бўлиб ишлагансиз», — деб имтиёзли пенсияга чиқаришмаяпти.

Ҳидоят ҚИЛИЧОВА,
Яккабоғ тумани, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 12-моддасида фуқароларга умумий белгиланган ёшни (ушбу қонуннинг 7-моддасига мувофиқ умумий белгиланган ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ёш эркаклар учун 60, аёллар учун 55 ёш қилиб белгиланган) 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия ҳуқуқи белгиланган. Юқорида айтиб ўтилган модданинг «б» бандига мувофиқ, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-рўйхат 1-қисми), яъни эркаклар иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи, аёллар эса иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил ишлаган тақдирда пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасига биноан пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия тайинланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2-, ва 3-рўйхатлари тасдиқланган бўлиб, шундан 3-рўйхатнинг 1-қисми 25-бўлимида ҳар қандай шифохонанинг юқумли касалликлар бўлимида ишловчи айрим тоифа ходимларига имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган. Бунга кўра ушбу касалхоналарда ишловчи ўрта ва кичик тиббий ходимлар ҳамда санитаркаларга қонуннинг 12-моддаси «б» бандида белгилаб қўйилган ёшга ҳамда талаб этилган иш стажига эга бўлсалар имтиёзли асосларда пенсия тайинланади. Лекин ушбу рўйхатда кир ювувчилик вазифаси назарда тутилмаган.

ЮРИДИК КЛИНИКА

Андижон давлат университетида юридик клиника фаолият кўрсатмоқда. У аҳолининг кам таъминланган тоифасига юридик маслаҳат ва хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

- Бу Фарғона водийсидаги биринчи юридик клиникадир, - дейди университетнинг юридик факултети декани Бахтиёр Расулов. -Бундай клиникалар Тошкент давлат юридик институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида самарали фаолият юритмоқда.

Олий ўқув юртларидаги ушбу юридик клиникалар нима билан шуғулланади? Бу тушунча бизга Америка Қўшма Штатларидан кириб келган. Америкалик ҳуқуқшунослар 15-20 йил илгари академик билимларнинг амалиётдан узилиб қолиш муаммолари ҳақида ўйлаб кўришди. Замонавийлаштирилгач, юридик клиникалар олий таълим тизимида ўз ўрнига эга бўлди ва дунёга тарқалди. Юридик клиникани жорий қилишнинг қатор афзалликлари бор. Масалан, аҳолининг кам таъминланган табақасига бепул юридик маслаҳат берилмоқда, талабалар амалий иш кўникмаларига эга бўлаяпти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига амалиёт билан яхши таниш бўлган ёш мутахассислар ишга келмоқда.

Мазкур лойиҳа халқаро ҳамжамият томонидан молияланмоқда. Даставвал гуруҳга 6 нафар талаба киритилган эди. Ҳозир эса клиникага юқори курсларда таҳсил олаётган 24 нафар талаба қабул қилинди. Улар ҳозиргача 17 та ишни кўриб чиқди. Бу эса 17 нафар киши бепул юридик маслаҳатга эга бўлди, демакдир.

(ЎзА).

"КОНСТИТУЦИЯ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА"

Шу йил 4 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинган эди. Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими ана шу Фармойишга биноан маҳалла аҳолиси ўртасида Конституцияни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш борасида тавсиялар ишлаб чиққан эди. "Туркистон-пресс" мухбири бу ишнинг амалиёти билан қизиқди.

Тиловмурод Мустафоқулов, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раиси: - Аҳоли ўртасида Бош Қонунимизни ўрганишга бағишлаб савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари, "Конституция менинг тақдиримда", "Конституцияни ким яхши билади?", "Конституция бизга нима берди?" мавзуларида кўрик танловлар ўтказилди.

Тожибой Зиёқулов, Ангор туманидаги "Наврўз" махалла фуқаролар йиғини раиси: - Биз бу ишни тилда эмас, балки амалда бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Маҳалламизда йил бошидан бери "Конституцияни ўрганамиз" мавзуида курс ишлаб турибди. Унинг ўз иш режаси бор. Курс машғулотлари ҳар ойда бир марта ўтказилади. Машғулотларга ички ишлар, прокуратура, солиқ ходимларини ҳам таклиф этяпмиз. Бундан ташқари маҳалламизда "Савол беринг - жавоб берамиз" бурчагини ҳам ташкил қилганмиз. Яқинда маҳалламиздан етти кишини иш топишига кўмаклашдик. Уларнинг бинойидек ҳунари бўлса-да, то шу кунгача иш тополмай овора бўлиб юрган экан. Бу фуқаролар Конституциянинг нақадар муҳимлигини амалиётда кўришди. Чунки Бош Қонунни 37-моддасида фуқаронинг ишлаш кафолати аниқ баён этилган.

Йўлдош Эргашев, Жарқўрғон туманидаги "Исмоилтепа" маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли: - Очиғи янги замон – мустақиллик даврида қабул қилинган қонунлар турмушимизни тубдан ўзгартириб юборди. Шу боис маҳалламизда Конституцияни ўрганиш бўйича махсус тарғибот гуруҳи туздик. Қишлоқларда, мактаб ва боғчаларда бўляпмиз. Одамлар фаол. Суҳбатларимиз кўпинча қизғин баҳс-мунозараларга айланиб кетади. Мактаб ўқувчиларининг қизиқишини айтмайсизми. Яқинда "Биз Конституцияни ўрганамиз" мавзуида мактаб ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказдик. Унда 36-ўрта мактабнинг уч нафар ўқувчиси ғолиб чиқишди.

Маъсума Воҳидова, Сариосиё туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси: - Конституциянинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб ёзилган. Маҳалламизда оилаларнинг бузилмаслиги учун барча ишни қиляпмиз. Ҳаракатимиз эса бесамар кетмаётир. Кейинги уч йил ичида маҳалламиздан биронта оила бузилгани йўқ. Биз Конституция ва мавжуд қонунларимиз жамиятнинг қуйи бўғини бўлган оила манфаатини ҳамиша ҳимоя қилажагини одамларимизга доим уқтириб борамиз.

"Туркистон-пресс"

Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицейда "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва такомиллаштириш" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз олдига халқаро андозаларга мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашдек жуда катта мақсадни қўйган, - деди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бўлим бошлиғи Очил Мусурмонов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Агар Миллий дастурнинг биринчи босқичида тажрибавий дастурий ҳужжатлар тайёрлаш кўзда тутилган бўлса, иккинчи босқич таълим тизими янги педагогик технологияларни татбиқ этиш жараёнларини қамраб олади. Кўзланган натижаларга эришиш мақсадида педагогик жараённи яхшилаш жуда муҳимдир.

Очил Мусурмоновнинг таъкидлашича, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари компьютерлар, интернет тармоғи ва бошқа замонавий техника жиҳозлари билан таъминланмоқда. Жаҳон амалиёти янги педагогик технологиялар имкониятининг устунлигини ва ўқув жараёнига ижобий ўзгариш олиб кирганлигини, эндиликда анъанавий услублар, воситалар, шунингдек, ўқитувчиларнинг шахсий қобилиятларигагина таяниш кифоя эмаслигини исботламоқда. Ҳозир ўқувчининг хотирлаб қолишга асосланган билими эмас, балки ёшларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш асосига қурилган таълим муҳим ҳисобланмоқда.

Анжуман қатнашчилари йирик олимлар ва мутахассисларнинг маърузаларини тинглаш, фан-техника ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлди.

- Бундай тадбирлар таълим тизимини тубдан ўзгартириш ва мукаммаллаштириш йўлида қўйилган салмоқли қадам ҳисобланади,- деди Очил Мусурмонов сўзининг якунида.

(Боши 1-бетда)

ЭРГАШОЙГА ЭРГАШГАНЛАР

«Ўзенгилсанлойиҳа» институти тавсияси асосида корхона тез орада реконструкция қилинди. «Бухоротекс» ҳамда АҚШдан «Дельфи» ЛЛС компаниялари корхонанинг асосий таъсисчилари саналади.

Корхонага энг замонавий, юқори сифат ва самарадорликка эга бўлган дастгоҳлар ҳамда ускуналар келтирилди. Бунда Европа тараққиёт ва ҳамкорлик банкининг «Асака» банк орқали олинган узоқ муддатли кредит ресурсларидан кенг фойдаланилгани ҳам айни муддао бўлди.

Қўшма корхона айни пайтда йилига 3800 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. 2001 йилнинг биринчи ярмида 1460 тонна калава ип истеъмолчиларга сотилди. Унинг 1399 тоннаси ички бозор учун, 95 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ташқи бозорга сотилди. Айни пайтда хорижлик харидорлар орасида Россия, Венгрия, Италия, Корея сингари қатор ривожланган давлатлар бор.

Қаерда жамоа аъзоларининг унумли ва баракали меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар ҳамда қулайликлар муҳайё этилса, ўша ерда иш юришгандан-юришиб кетиши табиий. «Қоракўлтекс»да ҳам шундай бўлди. Бу эзгу ишда касабақўм раиси ташаббус ва фидойилик кўрсатди.

Бугун Эргашойнинг зиммасига ҳар қачонгига нисбатан жиддийроқ ва масъулиятлироқ вазифа юклатилган. У 400 кишилик жамоа аъзолари тақдирига қуйинчаклик билан жавоб беришга қодир шахс — раҳбар — касабақўм раисаси. Корхона ҳаётининг барча жабҳаларида унинг ўз ўрни бор. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаши, уларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш, касаба уюшма аъзоларининг маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муносиб тарзда муҳофаза қилиш, жамоа шартномаси ижросини таъминлаш, меҳнат аҳлининг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни изчил ҳал қилиш керак. Қиламан деса иш кўп. Барига улгуриш даркор.

Замонавий корхонада ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлиши керак. Жумладан, ишчилар ошхонаси ҳам. Тўғри, ошхона бир қатор қулайликларга эга. Аммо ёзда хийла иссиқлик қилади. Буни инобатга олиб Эргашой маъмурият олдига янги бир таклифни ўртага ташлади. Ёзги ошхона қуриш керак.

Биров у деди, биров бу. Аммо раисанинг қатъийлиги, ташаббускорлиги, корхона директори Меҳриддин Мансуровга маъқул тушди.

— Нимаики қилсак, ҳаммаси ўзимизнинг ишчиларга хизмат қилади. Шундай экан, бунинг нимаси ёмон. Маблағ масаласининг ҳам чораси топилар. Ахир, излаган имкон топади, дейишади-ку!

Тез орада корхона ҳовлисининг ўртасида ёзги овқатланиш масканлари барпо этилди. Қурилиш ишлари у ёқда турсин, хушхўр, енгил ва сифатли таомлар тайёрлашга қодир ошпазларни саралаб топишгача Эргашой ўз зиммасига олди.

... Ражаб опанинг ёшлиги шу корхонада кечди. Лекин негадир кейинги пайтда тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолди. Эргашой аввалига опани духтурларга қараттирди. Йўлланма билан сиҳатгоҳларга юборди. Зарур бўлганида беморнинг оиласига ёрдам уюштирди ҳам.

— Бирор байрам йўқки касабақўм фаоллари бизни йўқлашмаса, — дейди Ражаб опа Хўжаева.

— 2001 йилги меҳнат шартномасига бағишланган йиғилиш таассуротлари ёдимдан чиқмайди, - сўзлайди ишчи Гулчеҳра Сафарова. - Эргашой опа минбарда ёниб сўзларди. Ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уришдан қайтмасди. Айнан унинг таклифлари асосида шартномага 6 та қўшимча киритилди. Уларнинг бари меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

«Одамларга нафи тегмаган кунни умр дафтарига қўшгиси келмайди, унинг».

Бу ёшликдан Эргашой билан бирга ўсган қадрдон дугонаси Иродахон Шукурованинг дил сўзларидир.

Ҳа, замон фидойиликни, ёниб яшашни, ташаббус кўрсатиб ишлашни тақозо этар экан, бу фазилатларни ўзига шиор этиб олган Эргашой ва унга эргашиб ишлаётганлар «Қоракўлтекс»да оз эмас. Йигирувчи Тозагул Бобомуродова, Хумор Ғаниева, Боғдагул Розиқова, ўровчи Ирода Қобилова, Ҳусния Эргашова, пилталовчи Мавжуда Боқиевалар ана шулар жумласидандир.

Элим, юртим, жонажон корхонам, деб ёниб яшаётган ана шундай фидойилар бор экан «Қоракўлтекс» тизим корхоналари орасида довруғ тараталаверади.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ДАРСЛИКЛАР — ЛОТИН ИМЛОСИДА

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалиётга татбиқ этиш борасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. «Меҳнат муҳофазаси», «Механизмлар ва машина деталлари», «Назарий кимё» каби кафедраларда амалга оширилаётган ишлар айниқса салмоқли бўлмоқда.

Олий ўқув юртлари кафедралари томонидан яратилаётган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини лотин имлосида нашрга тайёрлашга киришилди. Институтнинг «Чарм буюмлари технологияси» кафедраси биринчилардан бўлиб бу хайрли ишга киришди. Чарм буюмлари технологиясига доир дарслик лотин ёзувида чоп этиш учун босмага берилди.

Олий ўқув юртида фойдаланилаётган амалиёт, мустақил ишлар жадваллари ҳам янги алифбода талабалар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

САНЪАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда республика санъатини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Рассомчилик, мусиқа, кино, театр, ҳайкалтарошлиги соҳасида кўплаб йирик асарлар юзага келди.

Ижодий жараёнларни илмий асосда тадқиқ қилиш ҳамда тарғиб этиш борасида олиб борилган изланишлар ҳам самарали бўлди. Бу ишларга Ўзбекистон Бадиий академияси бош-қош бўлди.

«1991-2001 йилларда Ўзбекистон санъати» деб номланган фундаментал илмий ишда бу ютуқлар ўз ифодасини топди. Чоп этишга тайёрланган ушбу китобда мамлакатимиз тасвирий ва амалий санъатининг ривожланиш йўллари ҳам таҳлил қилинди.

А.АЛИЕВ.

Спорт

МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Бир оғиз ширин сўз билан бўлса-да кўнгил кўтариш улкан савобдир. Истиқлолга юз тутган юртимизда ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Жумладан, ногиронлар ўртасида спортни ривожлантиришга катта аҳамият қаратила бошланди. 1991 йили «Матонат» ногиронлар футбол жамоаси Жаҳон чемпиони бўлгач, ушбу хайрли анъана давом эттирилиб юртимиздан Умиджон Аҳмедов, Юсуф Қодиров, Азиз Қодиров, Константин Якунин ва бошқа кўплаб жаҳон чемпионлари, махсус олимпиада ғолиблари етишиб чиқди. Футбол, волейбол, теннис, енгил атлетикачиларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда кетма-кет зафар қучмоқдалар.

Ногиронлар спортининг оммавийлигини ошириш, уни янада ривожлантириш борасида ҳар йили республика олимпия ўринбосарлари билим юртида ўтказиб туриладиган анъанавий спорт мусобақаларининг ҳиссаси катта.

Бу гал ҳам Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциацияси томонидан Оналар ва болалар йили ҳамда Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб Республика олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежида ташкил этилган спорт мусобақалар ҳар доимгидек қизиқарли беллашувлар, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциациясининг президенти Баҳодир Маҳситов матонатли ва иродали спортчиларни спорт байрами билан қизғин қутлаб, юртимиз шуҳратини оламга ёйишда уларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Пан олимпия қўмитасига аъзо бўлганимиз мамлакатимизда ногиронлар спортини янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Зотан, келаси йили кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этувчи ногирон спортчиларимиз 2004 йили Грецияда бўлиб ўтадиган олимпиада баҳсларига қизғин тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Мусобақа иштирокчиларини «Тинчлик корпуси»нинг директори Лоренц Лехи ҳам қутлаб, уларни ғалаба сари руҳлантирди.

Армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Юсуфжон Қодиров давлатимиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғини кўтаргач, турли вилоятлардан ташриф буюрган 250 га яқин таянч ҳаракати аъзолари спортнинг ногиронлар аравасида пойга, армрестлинг, мини футбол, дартс, стол тенниси, шашка ва шахмат каби турлари бўйича беллашувларни бошлаб юбордилар.

Армрестлинг бўйича беллашувлар айниқса ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Ғалаба учун асосий кураш Тошкент шаҳри вакили Абдураим Қулохунов ва Самарқанд вилояти спортчиси Юсуф Қодиров ўртасида кечди. Охир-оқибатда жаҳон чемпиони ўз сўзини айтди ва ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Спортнинг шу тури бўйича аёллар ўртасидаги баҳсда самарқандлик Елена Абасованинг қўли баланд келди.

Дартс бўйича эса пойтахт вакиллари энг кучли эканликларини яна бир карра исботлашди. Зеро, қизлар баҳсида Дилноза Маннопова, Дилдора Алимова, Сурайё Раҳимовлар барча совринли ўринларни эгаллашган бўлса, эркаклар ўртасида Александр Свиридиев ва Шукурулла Тўхтаевдан кейин учинчи ўрин Бухоро вилояти вакили Аҳмад Воисовга насиб этди.

Стол тенниси мусобақаларида кар-соқовлар ўртасида Гулсара Нордин (Андижон вилояти) ва Геннадий Фонерин (Тошкент шаҳри) барча рақибларидан устун келган бўлса, таянч ҳаракати аъзолари шикастланганлар ўртасида Фарғона вилояти вакили Малика Абдукаримова ва тошкентлик Мубошир Юнусовларга тенг келадиганлари топилмади.

Мини футбол бўйича ампутантлар ўртасидаги баҳсда кутилганидек Тошкентнинг «Байналминал-1» жамоаси ғалаба қозонди. Самарқандлик футболчилар иккинчи, «Байналминал-2» жамоаси эса учинчи бўлди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент шаҳри терма жамоасига насиб этди. Самарқанд ва Бухоро вилояти вакиллари кейинги ўринларни эгаллашди. Ғолиб жамоалар махсус кубоклар ва дипломлар билан тақдирланди. Ҳар бир иштирокчига беш минг сўмдан пул мукофоти, спорт майкалари топширилди. Мусобақаларнинг ташкилий жиҳатдан бенуқсон ўтишида ҳомийлар — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Тошкент теннис маркази, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, аёллар самбо федерацияси, енгил атлетика, дзюдо, каратэ, кикбоксинг, армрестлинг федерациялари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти ва бошқа ташкилотларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ФАХРИЙЛАР АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Ота-она бағридан хизматга чақирилган йигитларнинг ҳаммаси ҳам ҳарбий хизматга бирдек кўникиб кета олмайдилар. Шундай бўлсада вилоят худудида жойлашган чегара қўшинларига қарашли "Н" қисмга ҳарбий хизматни бажаришга келган ёш аскарлар бир-бирлари билан бир оиланинг фарзандларидек тезда иноқ бўлиб кетишди.

Ана шу иноқлик туфайли улар йигитлик бурчини ўташдаги дастлабки қийинчиликларни ҳам сезмай қолишяпти. Ёш аскарларга командирларининг ҳарбийларга хос қаттиққўллиги, шу билан бирга меҳрибонликлари, қисмда ўзларига яратилган шарт-шароитлар айниқса ёқиб тушди. Кўнгилочар тадбирлар, учрашувлардан кейин аскарларнинг бир дақиқа ҳам зерикишига ўрин қолмаяпти. Муҳими, улар чегарада сергак ва ҳушёр.

Яқинда қисмдаги ёш аскарлар ҳузурига бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари ташриф буюришди. Ёш аскарлар Нормамат Қоржовов, Йўлдош Алиқулов, Ғанижон Дадажонов, Абдулҳай Бектошев сингари фахрийларнинг ҳаёт ҳақидаги мазмунли суҳбатларидан кейин Ватан, ота-она ва улар олдидаги фарзандлик бурчи нимадан иборат эканлиги туйғусини яна бир бор теранроқ ҳис этдилар. Зеро, Асосий Қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Ватан ҳимояси белгилаб қўйилган.

Аскарлар номидан сўз олган тошкентлик Дилмурод Акбаров, хоразмлик Рустам Эргашев, андижонлик Санъат Бўриев, самарқандлик Собир Саримсоқовлар фахрийларга миннатдорчилик билдириб, уларнинг ишончларини оқлашга, Конституцияда белгилаб қўйилган бурчни аъло даражада бажаришга сўз бердилар.

Бойсунда 25 гектар майдонни эгаллайдиган "Алпомиш" боғи яратилди.

Боққа киришингиз билан турли мевали ва манзарали дарахтлардан иборат табиатнинг сўлим парчаси эътиборни тортади.

БОЙСУНДА "АЛПОМИШ" БОҒИ

Гул ва гулзорлар, хиёбонлар, ҳалинчаклар киши кайфиятини очади.

Боғнинг ўртасида музей жойлашган. Музейда эса афсонавий қаҳрамон Алпомиш ва "Алпомиш" достонига доир кўргазма ҳамда маълумотлар, афсона, ривоятлар, шунингдек Бойсуннинг қадимий халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги намуналаридан иборат кўргазмалар ўрин олган.

Бойсунликлар яратган катта боғда ободончилик ва кўкламзорлаштириш иши давом эттирилмоқда. Яна тўртта фаввора қурилади. 10 минг туп дарахтнинг ёнига кўплаб кўчатлар ўтказилади.

Мерос ва қадрият

ШАЙХ ҚУСАМ ОТА

Баҳоуддин Нақшбанд устози

Қарши шаҳридан чиқиб Бухоро томонга бораверишда йўлнинг ўнг тарафида Фудина қишлоғи бор. Бу баҳаво маскан милоддан ярим минг йил аввал қурилиб, у XI-асрларгача мавжуд бўлган Ерқўрғон Навтака шаҳри обидаларига туташиб кетган.

Буюк Ипак йўлида жойлашган сўлим гўша ўтмишда ҳам Мағриб ва Машриққа машҳур бўлган. Катта бозор, масжидлар, хонақоҳ ва мадрасалар, карвонсарой ва савдо тимлари, ҳаммом ва ровотлар ишлаб турган. Шунингдек, Фудинада Марказий Осиёдаги энг қадимий ёдгорликлардан бири, ўтмишнинг ноёб меъморчилик обидаси Қусам ота зиёратгоҳи жойлашган.

XII-асрнинг охири ва XIII-аср бошларида Фудина қишлоғида Ислом оламининг улуғ шайхларидан бири Ибн Муҳаммад Қусам шайх (уни кейинчалик Қусам ота деб аташган) яшаб ўтган.

Қусам шайх машҳур дин арбоби, ҳадисшунос, авлиё ва табиб бўлган. У тасаввуф шеъриятининг атоқли намоёндаси Аҳмад Яссавий авлодларидан эди. Улуғ муҳаддис яшаган даврда Фудинада ҳадисшунослик мактаби вужудга келиб, диний ва дунёвий илмлар тараққий этган, фан, маданият ва адабиёт марказига айланган.

Қусам ота Нақшбандия тариқатининг асосчиси — Баҳоуддин Нақшбанднинг устози, пири ҳисобланган. Турон мамлакатининг олис шаҳар ва қишлоқларидан келган юзлаб илмга чанқоқ ёшлар олим қўлида таълим олишган.

Йиллар ўтиши билан Қусам шайх ислом оламида катта обрў-эътибор қозонган. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафосат ул унс» асарида Қусам шайх Аҳмад Яссавий авлодидан эканлиги, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилгани алоҳида таърифланган. Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» асарида алломага юқори таъриф бериб, шайхларнинг шайхи деб атайди.

1993 йилда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Баҳоуддин Балогардон» китобида Қусам шайхнинг кароматлари, Баҳоуддин Нақшбанд бу мўътабар инсоннинг хизматида бўлганлиги, уни пир ва маънавий ота деб тан олганлиги хусусида ҳикоялар бор.

Қишлоқдаги Қусам ота қабристонига кираверишда маҳобатли меъморий ёдгорлик қад ростлаган. Мутасадди ташкилотлар ва саховатли кишилар ҳомийлигида мамлакатимиз мустақиллиққа эришгандан сўнг ёдгорлик қайта таъмирланиб, воҳадаги муқаддас қадамжолардан бирига айланди.

Ҳазрати Қусам ота мажмуаси Шарқ ноёб меъморчилик дурдонаси ҳисобланади. Иншоот учун ишлатилган ғиштлар ғоят сифатлигиги ва зилзилага бардошлилиги билан ажралиб туради.

Обидага кириш дарвозахонадан бошланади. Улкан тут дарахтлари орасида катта ҳовуз бор. Мақбаранинг Севинч ота деб номланувчи иккинчи дарвозасидан ўтилгач, икки томонидан ғишт билан кўтариб девор қилинган йўлак орқали Қусам ота мақбарасига борилади. Бу ерда икки қисмдан иборат ёдгорликлар ўрин олган. Биринчиси Қусам отанинг хотинлари ва бош фарзанди Оқмуҳаммад отанинг қабри бўлиб, баланд гумбаз билан қопланган. Кейинги қисмидан Қусам отанинг қабрлари жой олган.

Қадамжонинг шимолий томонида яна бир мақбара мавжуд, унда Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим отанинг невараси Исоқ отанинг қабри бор. Умуман зиёратгоҳда табаррук битиклар битилган улуғ зотларнинг бир қанча қабрлари жойлашган.

Қусам ота зиёратгоҳига киришингиз билан қалбингизни ҳаяжон қамраб олади, аъзойи баданингиз жимирлаб, чуқур ўйга толасиз. Зеро, мўътабар зиёратгоҳни жаҳонни титратган буюк Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби машҳур кишилар тавоф қилишган.

— Ҳозирги пайтда Косон туманидаги шайх Қусам ота зиёратгоҳида тарихий музей ташкил этиш ва шу жойда яшаб ўтган алломалар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ишлари бошлаб юборилди, — дейди биз билан суҳбатда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Шарофат Ашурова. — Ҳазрати Қусам ота тарихий ёдгорлигини муҳофаза қилиш, пухта ўрганиш савоб ишдир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ранг-баранг олам

ҚИЗИЛ ЧУМОЛИ ХОСИЯТИ

Мутахассисларнинг аниқлашича, Американинг жануби-шарқий минтақаларида яшовчи қизил чумолилар заҳаридан таъсирчан антибиотик олиш мумкин экан. Шунингдек бу чумолининг заҳари баъзи бактериялар, айрим турдаги замбуруғларнинг кўпайишига йўл қўймаслиги ҳам ойдинлашди. Яна бир қизиқ томони шундаки, уларнинг заҳари ҳашаротларга ҳам салбий таъсир кўрсатаркан. Озгина миқдори пашша орқасига сурилса бас, у ўша заҳоти жон бераркан.

Қизил чумоли заҳари беш хил алколоиддан ташкил топган бўлиб, таркибида оқсил умуман йўқ. Бу айни муддаодир. Зеро, инсон танасига ҳайвон оқсили бор моддалар юборилса, кўп ҳолларда аллергия қўзғотади.

ОДАМНИНГ ЖОНИ ТЕМИРДАНМИ?

— Смоленск вилоятидаги ҳибсхоналардан бирида кўпчилик маҳбуслар ошқозонидан темир-терсак, мих ва бошқа нарсалар олиб ташланмоқда, — дейди ҳарбий жарроҳ Эрий Терешенков. — Бунинг асосий сабаби қарта ўйинининг авж олганидир.

Дарҳақиқат, катта пул ютқазиб қўйганлар, уни тўлай олмай, шу йўлни топганлар. Улар бундай «тадбиркорликлари» билан озодликка чиқишни, яъни шифохонада ётишни афзал кўришмоқда. Ҳа, одамнинг жони темирдан, дейишгани шу бўлса керак-да!

ТИТАН ЙЎЛДОШИ СИРИ

Сатурн сайёрасини қайта кузатган Америка астрономлари Титан йўлдошининг сирини очишга муваффақ бўлишди. Ушбу йўлдош Меркурийдан бироз каттароқ ҳажмда, айланаси 5120 километрни ташкил этади. Мутахассислар уни Гавай оролларида «Кек» дея номланган телескоп ёрдамида аниқлашди.

Йўлдош юза қисмида углеводларга ўхшаш суюқ модда уммонлари кўп экан. Бу фан оламида ўзига хос янгилик, яъни ҳали тарихда ўрганилмаган омилдир. У 180 даража совуқда ҳам музламайди.

ИЖОДКОРГА МАЗА

Япониянинг машҳур «Мацусита» ширкати сунъий иқлим ҳосил қилувчи ёзув столлар ишлаб чиқаришга киришди. Унда ижод қилаётганларга маза-да. Чунки ундаги мослама одамни қишда совуққотишдан, ёзда эса исиб кетишдан сақлайди.

Ширкат ана шундай столнинг уч турини ишлаб чиқараяпти. Булар — катталарга, кун бўйи ишловчиларга ва талаба ҳамда мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган.

Нафс бандалари

"ЛЕДИ" ЗАҲРИ ҚОТИЛНИ ТОПДИ

Самарқанд вилоятининг контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари Ғофур Ўриновни 2,215 килограмм марихуанани сотаётганда қўлга олишди.

Оқдарё тумани «Самарқанд» жамоа хўжалигида яшовчи Ғ.Ўриновнинг хонадонида текширув ўтказилганда, «Леди» лақабли хизмат ити уй ертўласидан 1,03 килограмм марихуана гиёҳванд моддасини топиб олди. Ҳуқуқбузарга нисбатан эса Жиноят Кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

- Гиёҳвандликка қарши кураш, унинг пайини қирқишда божхона қўмитаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ҳамкорлиги яхши самара бераётир, - деди божхона қўмитаси матбуот хизмати раҳбари А. Тиловов - Масалан, Жиззах вилояти Арнасой тумани «Хоразм» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги кўприк остига гиёҳванд моддада яшириб қўйилганлиги ҳақида маълумот олинди. Мазкур жой текширилганда уч килограмм марихуана топилди. Бу заҳри қотилни фуқаро Абдурасул Пўлатов яшириб қўйган экан.

Инсонларни заҳарлаш, ёшларнинг келажагини барбод қилиш эвазига бойлик орттириш йўлини танлаган кимсалар қанчалик устамонлик қилишмасин, қонун посбонларининг ўткир нигоҳи, синчков назаридан қочиб қутулолмайди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 3024. 1 2 3 4 5 6